

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ КУРСЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ АМАЛИЁТИ

Гиясова Умида Эркиновна

Низомий номидаги ТДПУ, Аниқ ва табиий йўналишларида хорижий тил кафедраси  
ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7076745>

**Аннотация.** Мазкур мақолада олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида таълим сифатининг мавжуд ҳолати таҳлили баён қилинган. Шу билан бирга, турли мамлакатларда ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифат самарадорлигини таъминлашда ўзига хос афзалликлар ва тўсиқлар мавжудлиги каби масалалар ёритилган.

**Калит сўзлар:** қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими, таълим сифати, таълим кластери, инновацион таълим, катталар таълими, муқобил малака ошириш, интеграция.

## ПРАКТИКА ОБЕСПЕЧЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ НА КУРСАХ ПЕРЕПОДГОТОВКИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ И ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ ВУЗОВ

**Аннотация.** В данной статье описывается анализ современного состояния качества образования на курсах переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров высших учебных заведений. Также выделяются такие вопросы, как наличие преимуществ и препятствий в организации процессов подготовки и повышения квалификации преподавателей в разных странах и обеспечение их эффективности.

**Ключевые слова:** система переподготовки и повышения квалификации, качество образования, образовательный кластер, инновационное образование, образование взрослых, альтернативное профессиональное развитие, интеграция

## PRACTICE OF ENSURING THE QUALITY OF EDUCATION AT THE COURSES OF RETRAINING AND PROFESSIONAL DEVELOPMENT OF THE TEACHING STAFF OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

**Abstract.** The article describes the analysis of the current state of the quality of education in retraining and professional development courses for teaching staff of higher educational institutions. The issues such as advantages and obstacles in organizing the processes of training and professional development of teachers in different countries and ensuring their effectiveness have been highlighted as well.

**Keywords:** retraining and professional development system, quality of education, educational cluster, innovative education, adult education, alternative professional development, integration.

## КИРИШ

Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги инновацион ўзгаришлар таълим тузилмаси ва мазмунини ўзгартириш эҳтиёжини ижтимоий-педагогик зарурат сифатида олиб чиқмоқда. Чунки, бугунги кунда таълимнинг меҳнат бозори талабларидан ортда қолаётганлиги, таълим жараёнида қўлланилаётган технологияларнинг замонавий талабларга тўлиқ жавоб

бермаслиги, битирувчиларнинг касбий тайёргарлик даражаси компетенциявий талабларга тўлақонли мувофиқ келмаслиги ҳақидаги масала жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мазкур жараёнларни Б.Усманов қуйидагича тадқиқ этади, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фан ва техниканинг гуркираб ривожланиши билан ахборот оқимининг шиддатли ўсиши кузатила бошланди. Олий таълим тизимида эса билим олиш ҳажми ва ўқитиладиган фанларнинг сони таълим мазмуни ҳамда ўқитиш методларининг такомиллашиб боришига нисбатан кескин ортиб борди. Таълимни экстенсив ривожлантириш ресурслари йўқолиб, олий таълимда интенсив тарзда ўқитиш технологияларини яратиш муаммолари юзага кела бошлади. Одамларнинг ҳаёт тарзи жуда тез ўзгарди, янги маданий коммуникатив шароитлар шаклланди, одамлар ва ижтимоий институтлар ўртасида янги дунёқараш ҳамда муаммолар юзага кела бошлади. Фан, бошқариш маданияти, мутахассислик каби ғоялар ҳамкорлик, шахсни олқишлаш, маданиятлараро муносабатлар каби ғоялар билан аралашиб кетди. Натижада ўзининг маданий коммуникацияси ва нуфузига эга бўлган анаънавий илмий мактаблар ва олий таълим жамият, профессор-ўқитувчилар, ота-оналар ва талабаларни ўзини ҳам қониқтирмай қўйди. Таълим тизимида ўзига хос тарзда инқироз пайдо бўлдики, бу таълимдаги классик ғоялар ва таълим модели инқирози бўлди. Бу инқироз таълим жараёнини жамият ҳаёт тарзининг ўзгариши билан таълим тизими, унинг мақсади, мазмуни ва ўқитиш технологиялари ўртасидаги узилишни юзага келтирди. Фанда жиддий инқироз юзага келди. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси бошқаруви тузилмаси ўзгарди. Бозор иқтисодиётига ўтиш тузилмаси фан-таълим тузилмасини бозор иқтисодиёти асосида ташкил этиш иқтисодиётни ўсишини таъминловчи тизимни шакллантира олмади. Инновацион ривожланиш стагнациясининг юзага келиши кўпгина давлатлар бошқаруви олдига таълим жараёнини ислоҳ қилишнинг оптимал моделини ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. Бунда инновацион иқтисодиёт талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш муаммоси энг асосий вазифа сифатида жой олди [7].

Бизнинг фикримизча, олий таълим муассасалари педагог кадрлари сифатини белгиловчи муҳим мезонлардан бири – бу уларнинг касбий малакаси саналади. Шу нуқтаи-назардан, педагогларнинг касбий мажбуриятларидан бири доимий ўз устида ишлаш, касбий малакасини ривожлантириш асосида унинг салоҳияти, педагогик фаолият самарадорлиги шунчалик ортади.

Ривожланган давлатларда педагоглар малакасини ошириш тизимини таҳлили қилиш уларда малака ошириш жараёнларини табақалаштирилган асосда ташкил этишнинг турли моделлари мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, тажрибасиз, ёш ўқитувчилар учун масофавий ёки сиртқи таълим шаклидаги бошланғич ўқитиш, тажрибали, аммо малака даражасига эга бўлмаган педагог-ўқитувчилар учун бошланғич таълим (кўп йиллар таълим муассасасида ишлаган, аммо аниқ малака йўналиши ва даражасига эга бўлмаганлар), кўшимча педагогик таълим (иккинчи касбий малака даражасини олиш истагида бўлган ўқитувчилар), режалаштирилган малака ошириш курслари каби шакллاردир.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда энг кўп тарқалган, самарали малака ошириш шаклларида бири бу амалиётда ёхуд ишлаб чиқариш корхонаси, таълим

муассаси базасида малака ошириш ҳисобланади. Аксарият хорижий давлатларда мазкур масала кластерлар асосида ишлаб чиқариш, таълим ва фан интеграциясини таъминлаш орқали амалиётга жорий этилаётганлигини таҳлил қилишимиз мумкин бўлади.

“Cluster” (инглизча *cluster, clustre, clyster*) сўзи бош, боғлам, тўплам каби маъноларни англатиб, бир ядро ёки ўзак атрофида жойлашган ўзаро алоқадорликдаги компонентларни тушунишимиз мумкин бўлади. Агар кластер сўзини иқтисодий муҳит мисолида таҳлил этадиган бўлсак, бунда бир ҳудуддаги ўзаро боғлиқ ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг (университетлар, компаниялар, корпорациялар, банклар ва шу каби бир хил йўналишдаги муассасалар) марказлаштирилиши, деган маъноларни англатади [2,6].

Таълим кластерлари эса инновацион таълим олишни ташкил этишнинг шакли сифатида, таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда қўшма илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни ташкил этади. Унинг асосий афзалликлари бу таълимнинг амалиёт билан уйғунлашуви, аниқ касбий эҳтиёжларга йўналганлиги, инновацияларни тезкор ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишдаги дидактик имкониятининг юқорилигидир.

### 1.2.1-жадвал.

#### Ривожланган давлатларда педагоглар малакасини ошириш муассасалари

Малака ошириш муассасалари	Мамлакатлар
Малака ошириш марказлари	Австрия, Буюкбритания, Венгрия, Германия, Польша, Финландия, Чехия, Япония, Хитой
Олий таълим муассасалари	Венгрия, Буюкбритания, Греция, Голландия, Италия, Испания, Франция, Швеция, Хитой
Ўқитувчилар Ассоциациялари	Австрия, Венгрия, Буюкбритания, Греция, Словения, Финландия, Испания, Португалия, Жанубий Корея, Хитой, Япония
Мактаблар	Япония, Австрия, Венгрия, Финландия, Чехия, Швеция, Хитой
Катталар таълими Марказлари	Германия, Австрия, Венгрия, Буюкбритания, Голландия, Финландия, Жанубий Корея, Япония

#### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Жадвалдан кўриниб турибдики, Европа давлатлари ва Осиёнинг ривожланган мамлакатларида педагоглар малакасини оширишнинг турли таълим муассасалари базасидаги узлуксизлиги таъминланган. Масалан, Финландияда асосий малака ошириш муассасалари сифатида бу университетлар, академиялар, малака ошириш институтлари ёки марказлари фаолият кўрсатади. Шу билан бирга, хорижий давлатларда (Германия, АҚШ, Хитой ва бошқ.) ўқитувчиларнинг малакасини оширишда, уларнинг касбий ривожланишида турли тренинг дастурлари, маҳорат дарслари, ёзги-қишки мактаблар, конкурслар, илғор иш тажрибасига эга мутахассилар билан учрашувлар каби иш шаклларида кенг фойдаланади.

Адабиётлар таҳлили кўрсатадики, турли мамлакатларда ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифат самарадорлигини таъминлашда ўзига хос номуттаносибликлар, тўсиқлар мавжуд:

- малака ошириш муддатларини белгилашдаги номуттаносибликлар (ўқув йили давомида, ишдан ажралмаган ҳолда бўлиши – Германия, Голландия, Дания, Бельгия, Великобритания ва бошқ.), таътилга тўғри келиши (Испания, Исландия, Люксембург ва бошқ.);

- малака ошириш курслари таълим дастурлари давомийлигидаги мажбурий ҳажм – бир йилда 36 соат, 144 соат ёки 160 соатдан кам бўлмаслиги ва бошқ.;

- малака ошириш курсларидан ўтиш давомийлиги: 3 йилда бир ёки беш йилда бир. Шу билан бирга, Сингапур да бу ҳолат ҳар йили 100 соатлик кўрсалардан ўтиш ва йиғилиб боровчи кредитлар тизимида ўтилган.

- малака ошириш курсларида ёш ва тажриба жиҳатидан турлича бўлган аудиторияни бир хил дастурлар билан ўқитиш, табақалаштирилган ёндашувнинг мавжуд эмаслиги;

- малака ошириш муассасаларини бошқаришдаги марказлаштириш ёки децентрализация. Масалан, Финландияда малака ошириш иш берувчилар зиммасидаги масала бўлса, Японияда бу давлат назоратида ҳисобланади.

- таълим дастурлари мазмуни ҳамда ўқув жараёни, одатда, назарий аспектларга аҳамиятни жалб қилган, мутахассилик бўйича амалий-тренинг машғулотларининг етарли эмаслиги. Натижада улар ўқитувчиларни уларнинг педагогик амалиётларига янги билимларни татбиқ этиш имкониятлар яратишини доим таъминламайди;

- гендер тўсиқлар сабабли кўпроқ эркак ўқитувчилар ишдан ажралмаган ҳолда тренингларда иштирок этиш имкониятига эга бўладилар, баъзан фақат бир хилдаги ўқитувчилар турли курс ва малака ошириш бўйича семинарларда иштирок эта оладилар;

- таълим муассасаси базасида ташкил қилинган малака ошириш бўйича машғулотлар гендер муаммоларни ҳисобга оладиган, педагогик амалиётни яхшилаш учун мослашмаган ва уларнинг ҳаракатлари тан олинмаган ва тақдирланмаганлиги туфайли иштирок этишда маъно кўрмаган ўқитувчиларнинг қизиқишини уйғота олмайди ва иштирок этишга жалб қилолмайди [1,3,4,5,8].

Илмий-педагогик таҳлиллар шуни кўрсатадики, таълимда ахборот-коммуникацияларини кенг қўллаш давр талабларидан келиб чиқиб, таълим жараёнининг “янги архитектурасини” ишлаб чиқишни талаб қилади. Ўқитишнинг ахборот технологияларини қўллаш ўқитиш жараёнини бутунлай ўзгартириб юборишга, шахсга мўлжалланган ўқитиш моделини амалга оширишга, машғулотни жадаллаштиришга ва муҳими, таълим олувчиларнинг мустақил тайёргарлик кўришини янада такомиллаштиришга имкон яратади. Тадқиқотларимиз жараёнида олий таълим муассасалари педагог кадрлари ўртасида ижтимоий сўровнома ўтказдик. Сўровномадан кўзланган асосий мақсад – малака оширишни режалаштириш, амалга ошириш ва натижадорлигини таъминлаш учун таъсир этувчи омилларни, сабабларни таҳлил қилишдан иборат бўлди. Ўрганишлар давомида:

- 34% эркаклар, 42% аёллар малака ошириш курслари таълим мазмуни ҳар доим ҳам уларнинг эҳтиёжларига тўғри келмаслигини;

- 33% аёллар, 13% эркаклар оилавий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, ҳар доим ҳам ишдан ажраган ҳолда малака ошириш курсларига бориш қулай эмаслигини;

- 26% аёллар, 18% эркаклар ишдан ажраган ҳолда малака боришдаги энг катта муаммо бу ўз дарсларини ўтиб туришга номзод топши каби сабабларни кўрсатишиди.

## **МУҲОКАМА**

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш нафақат ташкилий масалалар, шарт-шароит, балким ички ресурслар, малака ошириш курсларида дарс берадиган педагог-андрагогларнинг касбий маҳорати, таълим субъектларининг ҳамкорликдаги фаолиятини талаб этувчи ижодий-рефлексив таълим муҳитни яратилганлиги, малака оширишнинг муқобил шакллари амалиётга кенг жорий этиш, хусусан, масофавий малака ошириш, ҳамда таълим мазмунидаги табақалаштирилган ёндашувнинг жорий этилишини талаб этади.

## ХУЛОСА

Юқорида келтирилган мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда, биз олий таълим муассасалари педагогларининг касбий билимлари, кўникмалари ва маҳоратларини узлуксиз янгилаб бориш, таълим жараёнининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш, таълим жараёнига муқобил малака ошириш шакллари киритиш, малака ошириш таълим дастурлари мазмунини табақалаштирилган даражасини жорий этиш малака ошириш жараёнлари самарадорлигига хизмат қилади деган хулосага келдик.

## REFERENCES

1. Adnan Hakim. Contribution of Competence Teacher (Pedagogical, Personality, Professional Competence and Social) On the Performance of Learning. The International Journal of Engineering and Science (IJES) || Volume || 4 || Issue || 2 || Pages || PP.01-12|| 2015 ||
2. Fuller C. (2017) How Education Innovation Clusters Advance Equity. URL: <http://digitalpromise.org/2017/08/29/education-innovation-clusters-advanceequity/>
3. Nutmacher W. Key competencies for Europe//Report of the Symposium Bern, Switzerland 27-30 March, 1996. Council for Cultural Co-operation (CDCC) a Secondary Education for Europe. Strasburg, 1997.
4. Мирсолиева М., Ишмухамедов Р., Акрамов А. Раҳбарнинг инновацион фаолияти. Ўқув-методик қўлланма. – Тошкент: Фан ва технология, 2019. – 124 б.
5. Мирсолиева М.Т. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш тизимидаги илғор хорижий тажрибалар//Таълим, фан ва инновация. Тошкент, 2018. – № 1. – Б. 25-28.
6. Usmonov, B., Bakhodirov, J. (2018). Development of cluster system in Uzbekistan: foreign experience, Business-expert, 4 (124), 21-25.
7. Усманов Б., Рахимов Ф., Дусмухамедова М. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш инновацион корпоратив ҳамкорлиги янги босқичида. Таълим, фан ва инновация. 2016. – №1. – Б. 6-9.
8. Valerie I. Sessa, Manuel London. Continuous learning in organizations. Individual, group, and organizational perspectives. Psychology press, 2015. – 416 p.